




Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 161 (12.222)

Баҳоси эркин нарҳда



ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЛОНДОН ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН XXX ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ҲАМДА УЙИНИЛАРИДА ЮКСАК НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН СПОРТЧИЛАРИМИЗДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Лондон шаҳрида бўлиб ўтган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида эришган ютуқлари билан Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга қўшган катта ҳисса учун куйидагиларга фахрий унвонлар берилсин ва иловага мувофиқ рағбатлантирилсин:

«Ўзбекистон ифтихори»

Собиров Ришод Рашидович — дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Тигиев Сослан Вазнович — эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»

Атоев Аббос Абдураizzoкович — бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Ортимизнинг спорт соҳасидаги шон-шуҳратини юксалтириш ишига қўшган улкан ҳиссаси, Олимпиада ўйинларида юксак натижаларга эришгани учун мукофотлансин ва иловага мувофиқ рағбатлантирилсин:

«Эл-юрт хурмати» ордени билан

Таймазов Артур Борисович — эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2012 йил 14 август

Ўзбекистон давлат консерваториясида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Унда мусиқашунос олимлар, ёзувчи ва шоирлар, бастакорлар, санъат ихлосмандлари иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири Т.Кўзиёев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида халқимиз маънавиятини юксалтириш борасида амалга оширилётган эзгу ишларда миллий мусиқа санъатимизни рағбатлантириш, ижодкорларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, бадий пухта асарлар яратиш йўлида илҳомлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилганлигини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 7 апрелда қабул қилинган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишларни янги, янада юқори поғонага олиб чиқишда муҳим омили бўлаётди. Кўрик-танловнинг асосий мақсади юртдошларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини мустаҳкамлаш, мазмунан теран, бадий етук қўшиқлар яратишни рағбатланти-



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ҲАМЗА ТУМАНИ: РИВОЖЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА



Айни кунларда Энг улуг ва азиз байрам — Мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллигини муносиб кутиб олиш ва тантанали нишонлаш учун катта тайёргарлик ишлари кетмоқда. Хусусан, шаҳримизнинг Ҳамза туманида ҳам бу борада ишлар ҳавас қилгулик даражада олиб борилмоқда.



Аҳоли саломатлиги, саводхонлиги, ижтимоий ҳимояси йўлида 7 та оилавий шифохона, 1 та марказий шифохона, 3 та касалхона, 30 та умумтаълим мактаби, 6 та касб-хунар коллежи ва 2 та академик лицей, 10 та кутубхона, 4 та стадион, 3 та сув ҳавзаси, 50 та спорт зали ва 8 та спорт мажмуалари хизмат қилмоқда. Бир сўз билан айтганда туманда ҳар томонлама ривожланиш ва ободончилик ишлари авж олган. Туман аҳолиси Истиқлолимизнинг улуг санасини муносиб кутиб олиш тараддудида.

(Ҳамза туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)

1968 йилда ташкил топган туманининг умумий майдони 37,2 минг гектар бўлиб, бу ерда истиқомат қилувчи аҳоли турли соҳаларда фаолият кўрсатиб, режали ишларни амалга ошириб келмоқда. Таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қўлай инвестиция муҳитининг яратилгани асосий омил бўлмоқда. Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярмида инвестициялар ҳажми 5756,8 млн. сўми, ташқи савдо айланмаси 540,8 млн. АҚШ доллар, экспорт 353,5 млн. АҚШ долларни ташкил этган.

ТАБАРРУК ДИЁРНИ УЛУҒЛОВЧИ ЭНГ ЯХШИ ҚЎШИҚЛАР

даражаси турлича бўлган фуқаролар қатнашди. Кўрик-танлов самарасида шоир, бастакор ва хонандалар ўртасидаги ижодий ҳамкорлик янада мустаҳкамланмоқда. Жорий йилги танловнинг барча тизимларида саксон минг нафардан ортиқ иштирокчи табаррук заминимизни, истиқлол йилларида эришилган улкан ютуқларни, самимий ва меҳридор хамюртларимизни тараннум этувчи, бугунги тинч ва осуда ҳаётимизни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, истиқлолнинг қадрига

етишга даъват этувчи қўшиқлари билан иштирок этди. Уларнинг 32 нафари танловнинг якуний республика босқичида қатнашиш имконига эга бўлди.

— Ҳар биримизнинг тақдиримиз, ҳаётимиз, бахтимиз билан чамбарчас боғланган кетган мустақиллигимиз, унинг саодатли неъматлари, имкониятлари ижод аҳли учун чин маънода улкан илҳом манбаидир, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиева. — Шундай мўтабар диёрни, ёруғ ва фаровон, тинч ва осуда ҳаётимизни тараннум этиш барчамиз учун олий бахтдир. — Ижодий беллашувда «Туғилган ер» қўшиғи билан иштирок этиб, Ватан ҳақида қуйлаш ҳар биримиздан катта масъулия талаб этишини яна бир бор чин юракдан ҳис этдим, — дейди қоралпоғистонлик хонанда Арслонбой Асқаров. — Бу масъулия бизни юрт келажиги, эртанги кун учун барчамиз бирдек даҳлдор эканлигимизни аңғлатиши баробарида Ватанимизни асраб-авайлаш, унинг қадрига етишга чорлайди. «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови ғойиб ва совриндорлари иштирокидаги гала-концерт Мустақиллик байрами арафасида бўлиб ўтди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

• Андижонда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқлиги ва ошқоралиги — уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг муҳим омили» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда демократик тамойилларга асосланган кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий мезонлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлаш, улар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали шакллари хусусида фикр алмашилди.

• Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишланган «Энг улуг, энг азиз» республика кўрик-танловининг Жиззах вилояти босқичи якунланди. Ғолиблар ташкилотчиларнинг диплом ва совғалари билан тақдирланди.

• Тошкент вилояти Зангиота туманида тўрт минг етти юздан ортиқ кичик бизнес субъекти фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида 58,6 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилиб, аҳолига 27,7 миллиард сўмлик пуллик хизматлар кўрсатилди.

• Тошкентдаги Ёшлар ижод саройида компьютер ўйинлари бўйича «Uzbekistan Cyber Games Beeline — 2012» Ўзбекистон чемпионати ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

• Фарғона шаҳрида вилоят ҳокимлиги, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамда тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасида шаҳар ва туманлардаги юздан ортиқ корхона, ташкилот бўш иш ўринлари билан қатнашди. Ярмарка давомидида 612 нафар касб-хунар коллежи битирувчиси ишга йўлланма олди.

ЖАҲОНДА

• Сунъий йўлдош орқали Гренландия музликларини қузатиш ишлари натижасида оролдаги муз қопламанинг тўқсон етти фоизга яқини эрий бошлагани аниқланди. Маълумотларга кўра, 1,7 миллион квадрат метрдан зиёд майдони муз билан қопланган Гренландия ороли муз қопламанинг ярми яқини ҳар йили ёз ойларида эрийди. Мутахассисларнинг айтишича, Гренландия музликларининг тўлиқ эриб кетиши уммонлар сатҳининг етти метрга кўтарилишига олиб келади. Бу ҳолат глобал сув тошқинларига сабаб бўлиши мумкин.

• Италиядаги қадимий Сфорца қасридан мамлакатда яшаб ижод қилган машҳур рессом Микеланджело Меризи де Караваджонинг (1571-1610) юзта асари топилди. Топилманинг асосий қисмини эскизлар ва суратлар ташкил этади. Асарларнинг умумий қиймати тахминан етти юз миллион еврога баҳоланмоқда.

• Париж-Версаль йўналишида харақатланувчи поезднинг ичи бутунлай ўзгартирилди. Франция миллий темир йўл жамияти президенти Гийом Пепи ва «Версаль саройи музейи» давлат муассасаси раҳбари Катрин Пегарнинг лойиҳасига кўра ушбу поезд ички қисми Версаль саройи кўринишида қайта таъмирланди. Уларнинг айтишича, ушбу лойиҳа сайёҳлар оқимини кенгайтириш мақсадида амалга оширилмоқда.

• «Ньюкасл» университети олимлари сув ўтлари тиш емирилишининг олдини олишни аниқладилар. Мазкур ўсимликларда яшовчи Bacillus licheniformis бактериялари тишлар оралиғида йиғилиб қоладиган ва уларнинг чиришига сабаб бўладиган тошларни парчалаб, зарarli микроорганизмларни йўқотади. Яқин кунларда «Newcastle Healthcare Charity» жарғармаси лойиҳасига кўра, сув ўтлари тарқибидидаги бу фойдали бактерия ферменти қўшилган тиш тозалаш пасталари сотува чиқарилади.

ҚИСҚА САТРАДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **МИРЗО** Улуғбек туманида жойлашган «Интерхаус» академик лицейида «Фуқаролик жамиятини

ривожлантириш концепцияси» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда «Камолот» ЕИХ туман Кенгаши етакчи-сардорлари иштирок этди.

✓ **БУГУН** Тошкент Фотосуратлар

уйида анъанавий «Энг улуг, энг азиз» кўрик-танловининг шаҳар босқичи ташкил этилди. Танлов доирасида «Истиқлол неъматлари» мавзуидаги фотосуратлар кўргазмаси намойиш қилинди.

✓ **ЭРТАГА** «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг Яққасарой туман босқичи 118-умумтаълим мактабидида ўтказилади.

